БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 294 (4393).
25 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

◆ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Транспорт қурилиши министрлиги ташкилотлари ва корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига йўллаган табриги эълон қилинган. «Транспорт қурувчилари қурилиш-монтаж ишлари ўнинчи беш йиллик планини ва асосий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисидаги хабар» КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди. Сизларни ана шу катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман», —дейилади жумладан унда.

◆ 24 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев космос қаҳрамонлари — Леонид Кизим, Геннадий Стрекалов ва Олег Макаров ўртоқларга Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

◆ Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгаши ва ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико дўстлик визити билан 23 декабрь куни Москвадан Софияга жўнаб кетди.

Республикамизнинг энг йирик 63-ҳунар-техника билим юрти юксак малакали қурувчи мутахассисларни тайёрлайди. Бўёқчилар, дурадгорлар, ганч ўймакорлари, газ-электр пайвандчилари шулар жумласидандир. Билим юртини битирган ёшларнинг аксарияти «Главташкентстрой» бўлинмаларида меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: ёш электр пайвандчи Эркин Мухамбетов.

А. Ванштейн фотоси, (ЎзТАГ).

• Шарҳчи сатрлари

КУБА КОМПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

Куба Коммунистик партиясининг II съезди Гаванадаги революция майдонида ғоят катта оммавий митинг билан тугади. Митингда бир миллиондан кўпроқ Куба меҳнаткашлари йиғилди. Съезд ишида коммунистик ва ишчи партияларнинг, шу жумладан КПСС, шунингдек тўрт қитъадаги миллий-озодлик ҳаракатлари социалистик партиялар ва тараққийпарвар ташкилотларнинг 140 дан кўпроқ делегацияси иштирок этганлиги съезд катта халқаро аҳамиятга эга бўлганлигининг, бу съезд жаҳон жамоатчилигини ғоят қизиқтирганлигининг далилидир.

Съездга бўлган жуда катта қизиқиш даставвал шу билан изоҳланадики, Куба Ғарбий ярим шарда биринчи бўлиб социализм қурилиши йўлига ўтиб олди, ўзининг соҳилларидан атиги 90 миля нарида жойлашган энг қудратли империалистик давлатдан ҳайиқмади, мана 22 йилдирки, Куба дўқ-пўписаларга, қуролли игвогарликларга ва қамалга қарамай социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошларча ёрдамига таяниб, янги жамиятни муваффақиятли равишда барпо этмоқда.

Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда Куба Компартияси биринчи съездининг қарорларига мувофиқ уни индустрлаштиришга асосий эътибор берилди. Мамлакат маориф, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот соҳасида ҳам катта-катта муваффақиятларни қўлга киритди. Шу жиҳатдан Куба ҳозир Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Ўртоқ Фидель Кастро съездда қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, Кубани иқтисодий ва социал ривожлантиришдан кўзатилган асосий мақсад социализмнинг моддий-техника базасини барпо этишни ниҳоясига етказишдан иборатдир.

Съездда шу нарса қайд этиб ўтилдики, социализм ишига, халқлар озодлиги, тараққиёт ва тинчлик ишига ёрдам бериш халқаро майдонда Куба сиёсатининг бош мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Куба революциясининг ташқи сиёсати дейилади съезд резолюцияларининг бирида, марксча-ленинча таълимотга, пролетар интернационализмига, СССР билан ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликка, миллий озодлик ҳаракатларини актив қўллаб-қувватлашга асосланади.

Кубанинг қўшилган мамлакатлар ҳаракатидаги обрў-эътибори юксак даражададир. Ана шу мамлакатларнинг раҳбарлари бутур Озодлик оролида ўзларининг VI конференциясини ўтказдилар. Кубанинг бошқа халқларга, жумладан Ангола ва Эфиопия халқларига кўрсатган интернационал ёрдами яхши маълум. Куба ана шу халқларга революция ғалабаларини ташқаридан қилинган ҳамлалардан ҳимоя қилиб қолишда ёрдам берди, янги жамият барпо этишда кўмаклашмоқда.

Леонид Ильич Брежнев ўртоқ Фидель Кастрони у партия Марказий Комитетининг Биринчи секретари этиб қайта сайланганлиги билан табриклаб унга, коммунистларга, бутун Куба халқига социалистик қурилиш йўлидаги янги катта ютуқлар, Куба Компартияси II съездининг қарорларини муваффақиятли бажаришларини тилади.

В. СЕРОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

XXVI

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

• Шаҳар индустрияси рапорти

ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошира бориб,

БУГУН

буюмларининг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Съездолди социалистик мусобақасида Ҳамза, Ленин ва Собир Раҳимов районларининг меҳнаткашлари олдинда боришяпти. В. П. Чкалов номли самолётсозлик, «Ўзбексельмаш», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаларининг, «Миконд», «Ташсел ь м а ш », «Подъёмник», электрон-техника, грампластинкалар, чинни, «Компрессор» заводларининг ёғ-мой комбинати, 4-дон маҳсулотлари комбинати, 2-пойафзал фабрикасининг коллективлари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришдилар.

Тошкент шаҳри меҳнаткашлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама эта бориб, келажакдаги вазифаларни, план ва 1980 йилга қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш вазифалари билан боғламоқдалар. Аксарият ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат коллективлари 1981 йил биринчи квартали топшириқларини КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар бажариш, Ўзбекистон Компартияси XX съездини юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олиш мажбуриятини олдилар.

Ленин орденли В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг коллективи КПСС XXVI съездига бағишланган навбатдаги зарбдор вахтада катта муваффақиятларга эришмоқда. Пешқадам корхонанинг барча цех ва участкаларида Асосий йўналишлар лойиҳаси қизғин муҳокама этилмоқда. Партиямизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги гамхўрлиги. га жавобан завод меҳнаткашлари йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиб, буюртмачиларга пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот жўнатишга қарор қилдилар.

СУРАТЛАРДА: пешқадам назоратчи-пайвандчи комсомол аъзоси Санда Пирматова; корхона участкаларидан бирида. Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

МУНОСИБ ТУҲФА

Валида Ганяева бошлиқ бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-цехининг илғор бригадаларидан бўлибгина қолмай. бирлашмада ҳам илғорлардан саналади. Бригада сафида 65 тикувчи бўлиб, 25 нафари коммунистик меҳнат зарбдоридир. Бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга эга. 11 ойлик планни коллектив ортиғи билан адо этди.

— Коллективимиз,— дейди Валида Ганяева, — КПСС XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. 1981 йилнинг 2 ойлик планини съезд очилиши арафасида бажариб, пландан ташқари 200 дона пиджак ҳамда 200 дона костюм ишлаб чиқарамиз. Бу бизнинг партиямиз анжуманига тайёрлаган муносиб туҳфамиз бўлади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ҚУДРАТЛИ ОҚИМ

Тошкент темир йўл бўлимига қарашли корхоналарнинг коллективлари КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлаш мақсадида катта куч-ғайрат билан ишламоқдалар.

БУГУН

темирйўлчилар йил бошидан буён турли манзилларга етказиб берган халқ хўжалик юклари 21 миллион тонна бўлди. Улар шунча юкни ташиш учун 428 минг 814 та вагонни ишлатдилар. Вагонларга юкларни тежаб ва зичлаб жойлаштириш мақсадида бир неча минг дона темир йўл вагони ишлатилди.

Йўлат ишларда шу кунларда республика хўжаликлари учун меҳнат совғалари — пешмапеш етказиб бериляпти.

ЧИМЁН ҚИШ ТАРАДДУДИДА

Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Шаҳар комиссиясининг секретари А. Колбинцев тўпланганларга 1980—1981 йил қишки мавсумига тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисида гапирди, район комиссияларининг раислари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқармаларининг и н г бошлиқлари Чимёнда дам олувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар хусусида сўзладилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети курортлар ва соғломлаштириш муассасалари қурилиши ва эксплуатацияси бўйича Бош бошқармасининг бошлиғи В. Арбузов ва республика қурилиш ташкилотларининг вакиллари Чимён-Чорвоқ дам олиш зонаси қурилишининг бориши тўғрисида ахборот бердилар.

Тошкентликларнинг Чимёнга бириичи ташкилий равишда боришлари 1981 йил 10 январига белгиланди. Меҳнаткашларни и н г дам олиш мавсумини пойтахтнинг Куйбишев районидаги очади. Лекин Чимён қишки дам олувчилар билан шу кунларда ҳам гавжум бўлмоқда.

ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА

Тошкент мебель ойналари фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари партия XXV съезди сифат ва самарадорликни ошириш бўйича белгилаган қарорларини амалга ошириб, салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Коллектив шу йил июнь ойида республиканинг мебель корхоналарига маҳсулот етказиб бериш бўйича беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганди. Коллектив шундан бери планга қўшимча маҳсулот ишлаб, чиқармоқда. Беш йиллик бошидан то шу кунгача буюртмачиларга юборилган маҳсулот 1700 минг квадрат метрдан ошиб кетди. Шундан 100 минг квадрат метри топшириққа қўшимча тайёрланди.

Ҳозирги вақтда корхонада уч хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Коллектив бу фахрли белгига Иттифоқимиздаги мебель ойналари фабрикалари орасида биринчилардан бўлиб эришди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатда бўлишида фабриканинг ойна кесувчилар бригадаси аъзоларининг ҳиссаси катта. Чунки фабрикада маҳсулотга дастлаб шу бригада аъзолари ишлов беради-лар. Бу бригададаги илғор ишчилар Ш. Мирзаев, Б. Акбаржўжаев, М. Худойберганов кабилар унумли ва сифатли меҳнат қилишда кўпчиликка намуна бўлишяпти. Улар смена топшириқларини 105— 110 процент адо этиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишяпти.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ҳамза район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Г. Внучков «Район партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан музокаралар бўлди. Унда «Ташсельмаш заводи партия комитетининг секретари А. Мақсудов, Қўйлиқ асфальт-бетон заводининг экскаватор машинисти Е. Васильев, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг секретари Н. Дягилева сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ОЛИМЛАР ТАКЛИФИ

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Жанубий Ўзбекистон сабзавот ва узумчилик селекция станциясининг олимлари қўйилтирилган анор шарбати тайёрлаш янги технологиясини таклиф этдилар. Эндиликда ана шу маҳсулот вакуумда тайёрланди. Бунинг учун 35—40 градусли паст ҳарорат талаб қилинади. Бу эса анор шарбатидаги барча қимматли компонентларни тўла сақлаб қолинишини ва унинг узоқ муддат асралишини таъминлайди.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ГРАММЛАРДАН МИНГЛАБ ТОННАЛАР

Маҳаллий иссиқлик электроцентрали коллективи йил бошидан буён иқтисод қилган ёқилғи ёрдамида Фарғонадаги пахта заводи электр энергия билан бир ой ишлай олади.

ТЭЦ ходимлари бир киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш учун ёнилғи сарфлаш салмоғини 2,8 грамм камайтиришга эришдилар. Бу унча катта рақам бўлиб туюлмаса-да, 2600 тоннадан зиёд тежалган ёнилғи бутун бир темир йўл составига сиғиши мумкин.

ТЭЦ коллективи КПСС XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Коммунистлар нинг Бутуниттифоқ анжумани очиладиган кунга қадар камида яна 200 тонна шартли ёнилғи иқтисод қилишга қарор қилинди.

НОРАКНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

«Сурханэлектро с е ть» корхонасининг область халқ хўжалик объектларига энергия етказиб беришни ўн баравар ошди. Маҳаллий аҳамиятдаги кам қувватли куч қурилмалари ўрнига қардош Тожикистондан биринчи маротаба электр энергия келганидан кейин ана шунга эришилди.

Энергияни «иш жойига» етказиб бериш учун бир эрим минг километрдан зиёд юқори вольтли линия ва 10 минг километрли паст вольтли электр линияси ўтказилди, 60 кичик станция уланди. Энергетикани жадал ривожлантириш Сурхон — Шеробод даштида янги ерларни тез суғартириш билан ўзлаштиришга имкон берувчи негиз бўлиб қолди. Энди эса, Ўрта Осиё бирлашган энергосистемасига Норак ГЭСининг қудратли кучи қўшилганида Ўзбекистон жанубида иқтисоднинг ривожлантириш имкониятлари янада кўпроқ ошади. Келгуси беш йилликда яна минг километрга яқин электр линияси ўтказиш, энергия беришни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу эса, жумладан ингичка толали пахта етиштирувчи янги районлар барпо этишга имкон беради.

УРГАНЧДА БИОФАБРИКА

Хоразмдаги янги область биолабораториясида технология линияси фойдаланиш учун топширилди. Бу биолаборатория мавсум давомида шунча кўп миқдорда трихограммалар етиштирадики, бу трихограммалар 10 минг гектар экинзорни ишлаш учун кифоя қилади. Трихограмма етиштирадиган бу конвейер энг янги ускуналар билан, шу жумладан ўнта катта хоналар билан таъминланган бўлиб, бу ерда зарур температура ва намлик автоматик тарзда сақланади.

Ҳозирги замон биофабрикасининг уч қаватли биносида иккинчи линия монтаж қилина бошланди. Айни вақтда Шовот районидаги «Ленинград» колхозида ва Гурлан районидаги Куйбишев номли колхозда яқинда қурила бошланган биолабораторияларда ҳам ана шундай иккита поток барпо этилмоқда.

Келгуси йилдаёқ Хоразм область ўсимликларни ҳимоя қилиш биолабораторияси 40 минг гектар пахтазор, полиз, боғлардаги қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методидан фойдаланади.

(ЎзТАГ).

• Санъат дарғоҳида

КУЙ ВА ҚЎШИҚ КОНКУРСИ

Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатида ёш санъаткорларнинг тажрибали композиторлар, мусиқашунослар ҳамда театр артистлари билан учрашув ўтказиб турилиши яхши анъанага айланган. Бу ерга Тошкент Давлат консерваторияси, Театр жамияти, шунингдек шаҳар кинофикацияси ходимлари тез-тез ташриф буюриб турадилар. Улар ёш музикачиларга ўз ижодлари ҳақида, жаҳон мусиқасининг усталари ҳаёти ҳақида қизиқарли лавҳаларни гапириб берадилар, йўл-йўриқ кўрсатиб турадилар.

БУГУН

ана шу санъат дарғоҳида Муҳиддин Қориёқубов, Мухтор Ашрафий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларга бағишланган куй ва қўшиқ конкурси бошланди. Бу конкурсда бўлажак музикачилар ўз маҳоратларини намойиш қилишади, севимли куй ва қўшиқларини, классик мақомлар ҳамда жаҳон композиторларининг асарларини ижро этишади.

— Бундай конкурс, —дейди мактаб-интернат директори К. Кенжаев,—республикамизда биринчи марта ўтказилаётганлиги учун ҳам эътиборга лойиқдир.

• Диққат, янгилик!

КАНАЛНИ АВТОМАТ БОШҚАРАДИ

БУГУН

Полвонов номидаги Тошкент каналига ЭҲМ бошқарадиган бир нечта янги тўсиқлар ўрнатилди. Ана шундай автоматлаштирилган асбоблар каналнинг қатор тўсиқлари ишини назорат қилади. Сарф бўлган сувнинг миқдори ва нормал ҳажми тўғрисида аниқ ахборотлар бериб туради.

Колхоз ва совхоз далаларининг с у в г а қанча эҳтиёж сезишини ҳам мазкур механик тўсиқлар асбоблар ёрдамида кўрсата олади. Бу тадбир суғориш иншоотлари фаолиятини яхшилаш билан бирга, сувни тежаб ишлатиш учун ҳам мақсадга мувофиқдир. Канал сувини механик бошқариш 100 километргача бўлган дастлабки масофани ўз ичига олади.

С. ТАНАН.

Янги йил арафасида Тошкентнинг кўпгина мактабларида Алифбе байрами ўтмоқда. Биринчи синф ўқувчилари Алифбе китобини ўқиб тугаллаганликларини ана шундай байрам вазиятида нишонлашяпти. Тошкентдаги 59-мактабнинг ўқувчилари ана шу тантаналн воқеага катта концерт программасини тайёрладилар. Ўқувчилар биринчи мактаб дарслиги байрамини қувноқ қўшиқ ва шўх рақслар билан ўтказмоқдалар.

СУРАТДА: биринчи синф ўқувчилари Маҳбуба Салимова, Сурайё Маҳмудова ва Лобар Исроилова Ленин ҳақида қўшиқ ижро этишаяпти.

Ш. Алимов ва Б. Юсупов фотоси, (ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

⊙ **БУДАПЕШТ.** Венгриядаги бутун жаҳонга маълум бўлган «Тунгсрам» фирмаси ишлаб чиқараётган электр лампочкалар учун вольфрам сим тайёрлашга ихтисослашган янги завод ишлай бошлади. Мунаммал асбоб-ускуналар корхонага қимматбаҳо металлни оқилона сарфлаш ҳамда бракни камайтиришга имкон беради. Ишлаб чиқариш сарфи 10 процент камаяди.

⊙ **БЕРЛИН.** Штраслундниинг шаҳар музейдаги кутубхона ГДРда катта шуҳрат қозонган. Унинг фондларида 100 минг том китоб ва тарихий ҳужжатлар сақланмоқда. 1493 йилда нашр этилган хроника кутубхонадаги энг нодир нусхадир. Музей каталогларида бундан ҳам қўҳнароқ ёзма ёдгорлик бўлиб, бу қўлёзма 750 йил муқаддам яратилган.

⊙ **НЬЮ-ЙОРК.** Кутилмаганда бошланган ёнғин бир дақиқанинг ўзидаёқ Солт-Лейк-сити (Юта штати) шаҳридаги бинолардан бирининг барча уч қаватини қамраб олди. Ёнғинда 12 киши, шу жумладан тўққиз бола ҳалок бўлди.

Шаҳар маъмурлари бундан бир асрдан кўпроқ вақт илгари қурилган бу бино ёнғин хавфсизлигининг оддий талабларига ҳам жавоб бермаслиги тўғрисида уй эгаларини бир неча марта огоҳлантирган эдилар.

⊙ **ДЕҲЛИ.** Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик (1980—1985 йиллар) планини амалга ошириш мобайнида Ҳиндистонда аҳолининг камбағал табақалари учун салкам 750 мингта квартира қуриб бериш кўзда тутилган. Давлат ана шу мақсадлар учун 7,5 миллиард рупия ажратди. Айни вақтда эски уйжой фондини ремонт ва реконструкция қилиш учун 800 миллион рупия ажратиш режалаштирилган.

⊙ **ТОКИО.** Япония пойтахтидаги транспорт корхоналарининг меҳнаткашлари касаба союзларининг даъвати. га биноан, забастовка бошладилар. Унда автобус ва трамвай, метро ҳаммаларининг ишчи, хизматчилари қатнашмоқда. Улар маҳаллий маъмурлардан меҳнат шароитларининг яхшила. ришини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархининг тўхтовсиз қимматлашаётганлиги, ҳукумат аҳолининг социал эҳтиёжла. ри учун фондларни қисқартираётганлиги муносабати билан иш ҳақи. нинг оширилишини талаб қилмоқдалар.

⊙ **ЛУАНДА.** Бу ерда «Мустақил Ангола социализм йўлидан бормоқда» шиори остида МПЛА—Меҳнат партиясининг навбатдан ташқари 1 съездига бағишланган тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Ангола санъат ходимлари миллий иттифоқи ташкил этган экспозицияга рассомлар, графиклар, ҳайкалтарошлар и и н г анъанавий халқ усулида яратган буюмлари, асарлари қўйилган. Меҳнаткаш инсон, янги жамият бин ори — шу асарларнинг асосий мавзуидир. (ТАСС).

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин ва Фрунзе районлари мусобақаси

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ленин райони саноати маҳсулот реализация қилиш бўйича 1980 йил ўн бир ойи планини 101,6 процент, Фрунзе райони 100,9 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 100,6 ва 97,9 процент адо этдилар. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 106,9 ва 103,5 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш планини Ленин райони 101,9 процент, Фрунзе райони 98,5 процент адо этди; меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши 108,5 ва 101,6 процентни ташкил этди. Унда Ленин районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 100 процентига, Фрунзе районида 20,9 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар маҳсулот реализация қилиш планини уддалашди. Районларда тўрттадан корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича топшириқни бажаролмади. Ленин районида 4 корхона, Фрунзе районида 3 корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича планни уддалай олмади.

Ленин райони саноат корхоналари январь — ноябрь ойларида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича планни 101,5 процент, Фрунзе райони саноат корхоналари 88,4 процент адо этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 4,0 ва 8,2 процентни ташкил этди.

Ленин районида ўтган ой планини 16 участка, 27 бригада (375 ишчи), Фрунзе районида 39 цех, 27 участка, 120 бригада (429 ишчи) уддалай олмади.

Қурилиш-монтаж ишлари ўн ойлик плани (марказлашган молиявий манбалар) Ленин районида 140 процент, Фрунзе районида 94 процент адо этилди. Мусобақадош районларнинг қурувчилари январь-октябрь ойларида турар жойни фойдаланишга топшириш планини 47 ва 67 процент адо этдилар.

Меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришдаги барча мавжуд резервларни аниқлаб ишга солиш, ҳар бир иш жойида унумдорликни ошириш учун интилиши ишнинг умумий натижаларига ижобий таъсир кўрсатди. Ленин райони меҳнаткашлари январь—ноябрь ойларида меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг анча ўсишига эришдилар. Ўтган йил шу давр билан солиштирганда районда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 24 миллион сўмга ортди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини (21,7 процент) ва реализация ҳажмини (22,9 процент) меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига ўстиришда жумладан, электрон-техника заводи олдинга томон катта сакрашга эришди.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 50 процентдан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаяпти. Бу йил тикувчилар ой сайин ишлаб чиқариш программасини ортиғи билан адо этишяпти.

Химия-фармацевтика, қурилиш материаллари саноати министрлигининг тажриба-механика, шаҳар йўл қурилиши ремонти трестининг асфальт-бетон заводи, 1-авторемзавод, 8-экспериментал завод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти каби коллективлар яхши ишлаб чиқариш натижаларини қўлга киритишаяпти.

Ленин райони ўн бир ой мобайнида планга қўшимча 4.979 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шундан 469 минг сўмлиги социалистик мажбуриятларга қўшимча реализация қилинди.

Бироқ натижалар бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Районда тўрт корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик планни бажаролмади, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди. Бу «Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмаси, тепловоз ремонт заводи, трамвай-троллейбус бошқармасининг вагон ремонт заводи, «Ташхимсельмаш» заводи каби корхоналардир.

«Учқун» бирлашмасида моддий-техника таъминоти яхши эмаслиги сабабли план топшириғи бажарилмаяпти.

Тепловоз-ремонт заводида ҳам моддий-техника таъминотида талайгина қийинчиликлар бор. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида ҳам нуқсонлар мавжуд. Кадрлар қўнимсизлиги юқорилиги ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти.

«Ташхимсельмаш» заводида янги ротор насоси бўлган чанглагич-пуркагич ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги муносабати билан маълум қийинчиликлар юзага келди. Бундан ташқари, ўз вақтида баъзи бир техник нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Ҳозир машинасозлар юзага келган аҳволни йил охиригача тузатиш мақсадида чора-тадбирлар белгилашяпти. Октябрь ва ноябрь ойларида улар план топшириғини бажаришди.

Фрунзе райони меҳнаткашлари ўн бир ой мобайнида планга қўшимча 2.712 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу социалистик мажбуриятдагидан 127 минг сўмлик кўпдир. Бу ерда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафида абразив комбинати, қурилиш материаллари саноати министрлигининг қурилиш материаллари комбинати, экспериментал металл-фурнитура заводи ва бошқа корхоналар боришяпти.

Бироқ, район асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлардан бўлган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик планни уддалай олмади. Халқ хўжалиги бир неча юз минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари, турли қурилиш материаллари олишмади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинати, «Главташкентстрой»нинг «Стройпроект» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби коллективлар уддалай олишмади.

Районда меҳнат унумдорлиги плани бажарилмаяпти. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш бу ерда атиги 20,9 процентни ташкил этяпти.

Олий категорияли буюмлар Фрунзе районида умумий маҳсулот ҳажмида 8,1 процентни ташкил этади. Январь—октябрь ойларида фахрли беш қиррали белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш плани 52,7 процент бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бундай маҳсулотлар тайёрлашни биринчи пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» заводи кескин камайтириб юборди.

Ҳар икки районда ҳам кооперация бўйича маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилиши кўнгилдагидек эмас. Фақат ўн ой мобайнида Ленин районида 10 корхона ўз шерикларига 14,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади. Фрунзе районида эса 8 корхона кооперация бўйича 13 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермади. Масалан, электротехника заводи транспорт билан боғлиқ турли муаммолар туфайли мамлакатнинг кўпгина энергетика қурилишларини қийин аҳволда қўйди. Йил охирида— беш йиллик охирида шундай бўлиши тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

ОЗИҚ—ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ҚУРИЛИШИДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари рейди

Рейдимизнинг бошланишига 66,7 процент рақами сабаб бўлди. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари объектлари қурилишини бажараётган «Главташкентстрой» шу йилнинг ўн бир ойи ичида ана шунча процент иш бажарди. Биз бундай маълумотларни шаҳар статистика бошқармасидан олдик. Капитал қурилиш Бош бошқармасида эса бизга бошқа рақамни кўрсатишди. Фақат бу рақамлар шаҳар статистика бошқармаси берган рақамлардан икки процент кўпроқдир. Нега план бажарилмаётир. Ўнинчи беш йилликнинг бирорта йилидаги каби бу сафар ҳам йиллик план бажарилмади. Наҳотки, «Главташкентстрой» коллективи бу объектларни қуришда қийналаётган бўлса. Тўғрисини айтганда бунга ишониш жуда қийин. Тошкент қурувчилари бундан ҳам қийин объектлар қурилишида иштирок этишган. Замонавий, яхши лойиҳалар асосида қуриладиган магазин ва ошхоналарни қуриш улар учун қийин иш эмас.

Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, мақолига амал қилган ҳолда рейд бригадаси Тошкент бўйлаб сафарга чиқди. Нимасини айтасиз, ҳақиқатан ҳам шаҳримиз жуда чиройли, кўркам. Кўп қаватли маъмурий бинолар, замонавий турар-жой микрорайонларини кўрганда кўз қувонади.

Луначарский шоссесининг жанубий томони. Бу ерда бир йил ичида «Главташкентстрой»нинг Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатига қарашли 26-бошқармаси 30 дан ортиқ кўп квартирали уйларни қурди ва фойдаланишга топширди. Биз массивда кечки пайт соат бешларда бўлдик. Бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг кўпчилиги Куйбишев районидаги трактор заводи ва бир қанча корхона, ташкилот меҳнаткашларидир. Массивни анча вақт айланишимизга қарамасдан бу ерда бирорта магазин ёки киоска топа олмадик.

Лекин жуда кўплаб ҳамшаҳарларимиз — ёшлар ва қарияларнинг сумка кўтариб, завод ёнидаги яккаю-ягона озиқ овқат магазинига ошиқишаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Трактор заводида биринчи сменадаги ишнинг тугаганига бир соат бўлган. Гастроном ичи харидорлар билан лиқ тўла. Бизнингча, худди ана шу вақтда Москвадаги «Елисеевский» гастрономида ҳам бунчалик харидорлар тўпланмайди. Катта бўлмаган савдо залида навбат кутиб турган харидорлар жуда ҳам секинлик билан пештахталар олдига яқинлашишмоқда. Аҳолининг ҳам, сотувчиларнинг ҳам асаблари бу тўс-тўполондан жуда чарчаган. Анча вақтдан бери навбат кутиб, бир-бирини туртавериш оқибатида пальтоларнинг тугмаси ечилиб кетган. бош кийимлар тушиб кетганлиги (тўғри маънода) натижасида аҳоли пештахталар атрофидан буюмларини қидиришарди. Ахир бу ишларнинг ҳаммаси саккиз соатли қийин иш кунидан кейин содир бўлмоқда. Кўпчилик ҳали болалар боғчасига бориб, фарзандларини олиши, алоқа бўлимига кириб, қариндош ва дўстларига байрам табриги, телеграммаларини юбориши керак. Ишдан кейин ҳам озмунча юмуш топиладими. Лекин шунга қарамасдан меҳнаткашлар нон, гугурт ва шу каби рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотларга соатлаб вақт кетказишга мажбур бўлишмоқда.

Мана бир йилдирки, бу микрорайонда юзлаб аҳоли истиқомат қилади. Наҳотки бу ерда бирорта савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчасини ташкил қилиш мумкин бўлмаса. Биз баъзи уйлар атрофида қуриб ниҳоясига етказилмаган ва қурилаётган магазинларни кўрдик. Минг афсуски бу магазинларга харидорларнинг кириб бирорта маҳсулот сотиб олиши учун ҳали анча вақт кутишга тўғри келади.

Энг йирик массивлардан ҳисобланган «Ташавтомаш» бир қанча микрорайонларга бўлинган. Минглаб аҳоли бу ердаги уйларда ҳовли тўйларини ўтказишди. Лекин массивда ишга туширилган савдо корхоналари бармоқ билан санарли. Масалан, 2-«Ташавтомаш»да қурилган гастрономга пардозчилар эндигина келишди. 53-уйдаги магазиннинг фақат котловани қазилди. 4-«Ташавтомаш»да эса бир йўла бир қанча савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилмоқда. Лекин бу объектларни ҳали-бери фойдаланишга топширилиши ҳақида бир нима дейиш жуда қийин. Аммо бу объектларнинг ҳаммаси «Главташкентстрой»нинг 1980 йилдаги плани бўйича аллақачон фойдаланишга топширилган.

«Қурувчиларимиз қачон аҳоли ҳақида ўйлашади? Йирик кварталларни ишга туширишадию, магазин қурилишини эсдан чиқаришади. Бизнинг қандай қийналаётганимизни бир кўришса эди. Нима сабабдан ҳар доим шундай бўлади?».

Бу сатрлар Луначарский шоссесининг жануб томонидаги 12-уйда истиқомат қилувчи бир группа аҳолининг хатидан келтирилди. Редакциямизга «Главташкентстрой» қурувчилари шаънига ёзилган бундай ҳаққоний талаблар ёзилган хатлар жуда кўп келади. Мана шулардан яна бири:

«Тошкент марказида турувчиларга жуда яхши. Б: Сергели аҳолиси ўзимизни жуда камситилган деб ҳис қиламиз. Эски Сергелида бир қанча катта магазинлар бор. Янги қурилган тўртта микрорайонда эса магазинлар ҳали-бери қурилмаса керак».

Г. Зокиров, Р. Султонова, А. Нечаева ва Сергели—3 микрорайони аҳолисидан 20 киши имзо қўйган.

«Савдо-сотиқ ва умумий овқатланишни янада ривожлантириш таъминлансин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасидан).

Балки «Главташкентстрой» ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармасида савдо объектлари қурилиши ишини иккинчи даражали иш деб ҳисоблашаётгандир. Тўғри, турар жойсиз, мактабсиз, болалар боғчасисиз биронта кичик микрорайонни тасаввур қилиш қийин, албатта. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида сўзлаган нутқини эслайлик. «СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ БОҒЛИҚ БЎЛГАН МАСАЛАЛАР ОРАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРАДИ».

Озиқ-овқат магазинлари бўлмай туриб аҳолини қандай қилиб, озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин? Бунда биз янги микрорайонлардаги бирорта йирик универсамнинг, ҳатто кичик бир ихтисослаштирилган савдо шахобчаларининг йўқлиги ҳақидаги муаммони назарда тутмоқдамиз. Бу Юнусобод, Қорақамиш, Қўйлиқ массивларига ҳам тегишлидир. Айнан ана шу массивлардан газета редакциясига, «Главташкентстрой»га, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига, Ўзбекистон ССР савдо министрлиги ва савдо бошқармасига ташвишли хабарлар тушмоқда.

Биз ишни «Главташкентстрой»дан бошладик. Тўғрисини айтиш керак. Ана шу объектлар қурилиши билан шуғулланувчи раҳбарларни анча вақт қидиришга тўғри келди. Ниҳоят бизга ишлаб чиқариш раҳбарлик бошқармаси бошлиғи Ф. Р. Цой хонасини кўрсатишди.

Фридрих Романович савдо ва умумий овқатланиш корхонаси объектлари қурилишидаги ишларни жону дили билан тушунтириб беришини айтди. Бизни бир нарса ажаблантирди. Ишда ана шу кўрсаткичлар бўйича бажарилмаган планни қандай қилиб шарҳлаб бериш мумкин.

— Биринчи навбатда қурилишдаги технологик интизомга риоя қилиш керак, —дейди бошқарма бошлиғи.— Агарда биз олдин турар жойни бунёд этарканмиз, бу ишларни ниҳоясига етказганимиздан сўнг магазин қурилиши билан шуғулланишимиз мумкин. Натижада уни фойдаланишга топшириш муддати чўзилади.

Наҳотки шу баҳона ўринли бўлса? Фактларга мурожаат қилайлик. 2-«Ташавтомаш»даги 53-уй бундан икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган. Бу ердаги магазин қурилиши эса ҳалигача бошланмаган. Бундай фактларни яна бошқа ўнлаб объектлар ҳақида айтиш ҳам мумкин.

—Магазинларни қуриш учун ишчи кучини қаердан топаман, — дейди охири ўз баҳонасига иқрор бўлиб Фридрих Романович. — Барча кучимиз ва маблағимизни турар жой бинолари, болалар боғчаси ва мактаблар қурилишига сарф қилмоқдамиз.

Бу ҳақда ҳеч ким баҳслашаётгани йўқ. Ҳақиқатан ҳам турар жой, боғча ва мактаблар қурилиши жуда зарур. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, қурилишда ҳеч қачон муҳим ва муҳим бўлмаган объектлар деган бўлинишлар бўлмаслиги керак. Шуни айтиш жоизки, ҳали ҳам уй-жой қурилиши планини «Главташкентстрой» ҳар доим ҳам ўринлатаётгани йўқ. Биз ҳали турар жой бинолари қурилишидаги сифатлар ҳақида гапирмадик. Бу кўрсаткич ўртадан ҳам паст. Балки бошқа бирор сабаб бордир. Ҳа, бу борада бир қанча сабаблар бор экан.

Мана бунга мисол. «Главташкентстрой»нинг пардозлаш бригадалари магазинлардаги пардоз ишларини ниҳоятда қийналиб бажаришади. «Жилстрой» трести, 1, 2-уйсозлик комбинати баъзи квартираларни пардозлаш ўрнига қоғоз ёпиштириб кетишади. Магазиндаги ишларни ниҳоятда сифатли қилиб бажариш керак. Кўпинча, магазиннинг ташқи ва ички кўринишларига мармар ва гранитлар ишлатилади. Бу ишларни «Жилстрой» ва иккала уйсозлик комбинати ҳам бажара олмайди. Бунинг учун «Отделстрой» ёки бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлинади.

Бу баҳонани ўринли деса бўладими? Бизнингча йўқ. Билмайсизми, ўрганинг. Магазинлар бўйича ихтисослаштирилган пардозлаш участкасини ташкил этинг. Агарда бу ёрдам бермаса, «Отделстрой» трестидаги ҳамкасбларингизни ёрдамга чақиринг. Шуни айтиш керакки, бу ерда ўтган йили 2-«Отделстрой» ташкил қилинди. Негадир, «Главташкентстрой»дагилар топшириқ беришда олмайди. Ахир у ерда ишлаб чиқариш раҳбарлик бошқармаси бор-ку. Бир сўз билан айтганда магазинни қуриш ва пардозлашда ҳеч ким халақит бермайди.

— Тўғрисини айтсам, —дейди Фридрих Романович. — «Универсам» кўринишидаги магазинларни қурган яхши. Бу ишларни ихтисослаштирилган ташкилотлар, масалан, «Узторгстрой» тресты бемалол қураверсин.

Қисқасини айтганда, қўлдан кетгунча, эгасига етгунча тарзида иш қилинмоқда. Аммо «Главташкентстрой» зиммасидаги бу ташвишларни ҳеч ким соқит қилмайди. Яна беш, ўн йилдан сўнг, савдо шахобчаларини бугунги кун талабида қуриш ишлари янада авж олади. Тошкентда қурилиш учун бўш бўлган майдонлар сони борган сари камайиб бормоқда. Шаҳримиз кўркам бўлиши керак. Дуч келган ерга магазинларни қуриб кетавериш эса унинг кўркини бузади. Нега энди катта бўлмаган микрорайон учун «Универсам» қуриш керак? Ахир бир қанча кичик, қулай магазинлар билан аҳолига хизмат кўрсатиш мумкин-ку. Бундай хизматдан аҳоли ҳам жуда миннатдор бўлади. Давлат ҳам кам маблағ сарфлайди.

«Главташкентстрой» раҳбарларини тушунса бўлади. Агарда турар жой биноси қурилиши учун 90 процент маблағ ажратилса, магазин қурилиши учун ўн процент маблағ ажратилади. Бошқармадагилар магазин қурилишида қийналиб 200—300 минг сўм олишгандан кўра яхшиси битта турар жой биноси қуришгани фойда-ку.

Бу муаммо бир неча йиллардан бери чўзилиб келмоқда. Лекин «Главташкентстрой»дагилар ана шу муаммони ҳал қилиш ҳақида чуқур ўйлашмаётир. Келаси йилдан бошлаб, «Жилстрой» трести «148» сериядаги аҳоли учун жуда қулай бўлган тўққиз қаватли турар жой биноларини қурилишини бошлайди. Бунда ҳам лойиҳачилар магазин қурилишларини назарда тутишган. Наҳотки яна магазин қурилишидаги муаммолар ҳал этилмаса?

Бугунги кунда Тошкентда капитал қурилиш Бош бошқармаси кучи билан 61 та турар жой биноси бунёд этилмоқда. Бу биноларнинг ҳаммасида магазинлар бўлиши керак. Уйларнинг ҳаммаси фойдаланишга топширилади, магазинларчи?

Биз ана шундай савол билан буюртмачи— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармасига мурожаат қилдик.

— Графикдаги 61 та уйдан 53 таси ишга туширилади,— дейди бошқарманинг бош инженери А. К. Журавлёв. —Лекин минг афсуски, ҳамма магазинлар ҳам бу йил фойдаланишга топширилмайди. Ҳозирча, 24 таси ишга туширилса керак. Бугунги кунда савдо шахобчаларидаги қурилиш-монтаж ишларининг 61 проценти бажарилди.

— Йилни қандай кўрсаткичлар билан якунлайсиз? —деб сўраймиз бош инженердан.

— 70 дан ортиқ эмас.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, яна бир қанча объектлар фойдаланишга топширилмади. Яна аҳоли ўзи учун зарур бўлган маҳсулотни харид қилиш учун сарсон бўлади.

Бугунги кунда 16 та объект фойдаланишга топширилган. Булар ичида Халқлар дўстлиги проспектидаги 1 ва 2-уйларга жойлашган «Юность», «Кулинария», «Универсам», Олмазор массивидаги «Чеканка» магазинлари, Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги «Нон-бакалея» магазинлари ва бошқа объектлардир.

Биз Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги массивда бўлганимизда ҳеч қандай «Нон-бакалея» магазинини учратганимиз йўқ. Бу ерда бирорта магазиннинг ўзи йўқ. Янги берилган адрес бўйича яна бир бор массивларни айланиб чиқмоқчи бўлдик. Мана, қаршимизда Халқлар дўстлиги проспектидаги янги 1-уй. Ҳақиқатан ҳам унинг биринчи қаватида магазин жойлашган. Лекин бу магазин ҳали фойдаланишга топширилмаган. Ваҳоланки, капитал қурилиш Бош бошқармасида бизга ана шу магазинни «Фойдаланишга топширилди» дейишганди.

—Магазин қурилганига бир қанча ой бўлди,—дейди магазин директори С. Назаров. —Ҳалигача уни очолганимиз йўқ. Ҳозир юк ортувчи лифтларни монтаж қилиш бошланди. Ҳалигача савдо-технологик жиҳозлар қўйилмаган. Ҳали бу ердаги ишларни ниҳоясига етказиш учун яна бир ойдан ортиқ вақт керак бўлади.

2-уйда жойлашган парҳезли таомлар ошхонасида ҳам ана шундай воқеага дуч келдик. Бу ерда ҳам юк ортувчи лифтлар монтаж қилинмоқда. Лекин бинодаги пардозлаш ишларини яна қайтадан бажаришга тўғри келади. Чунки, шифтлар ва деворлар ремонт талаб. Янги фойдаланишга топширилган магазин ҳали биринчи харидорларига хизмат кўрсатмасидан туриб, яна ремонт қилинишига нима дейсиз?

Олмазор массивидаги «Чеканка» магазини ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Бу объектни бизга «фойдаланишга топширилди» дейишганди. Лекин айни вақтда бу магазин қурилиши тезкорлик билан бошқарилмоқда. Ҳали пардозлаш ишлари бошланмаган. Санитария-техника жиҳозлари монтаж қилинмаган. Мана, қўшни 6, 7-уйларда жойлашган «Ҳаммаси эркаклар учун», «Ҳаммаси аёллар учун» ва «Газмол» магазинлари бир йилдан бери харидорларга хизмат кўрсатмаётир. Бу объектлар ҳам капитал қурилиш бош бошқармаси ва «Главташкентстрой»нинг материалларига биноан 1979 йилда ишга туширилган.

Шаҳримизда олиб борилаётган магазин қурилишларини айланганимизда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳангомаларга дуч келдик. Капитал қурилиш бош бошқармасининг бош инженери бу магазинларни фойдаланишга топширилганлиги ҳақида бир неча бор айтди.

Шуни айтиш керакки, баъзилар (аҳоли) учун «фойдаланишга топширилди» деган сўз харидорларга хизмат кўрсатилаётир деган маънода бўлади. Яна баъзилар (қурувчилар, буюртмачилар) учун «фойдаланишга топшириш босқичи» деган сўзни билдирар экан.

— Қурилишдаги объектлар қандай олиб борилаётганлиги ҳақида буюртмачининг вазифаси нималардан иборат?

—Молиявий томондан жиҳоз билан таъминлаш, қурилишни назорат қилиб туриш, —дейди А. Журавлев.

Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, капитал қурилиш Бош бошқармаси зиммага олган объектни белгиланган муддатида фойдаланишга топширмаганлиги учун қурилиш ташкилотларига жарима солиши мумкин. Лекин бошқармада бундай жарима солишдан бирон мартаба фойдаланилмаган. Балки капитал қурилиш Бош бошқармасидагилар қурувчилар билан муносабатларини бузишни истамаётгандир.

— Бизнинг ишимизда бир қанча камчиликларга йўл қўйилган,— деб сўзида давом этди А. Журавлёв.—Баъзан қуриладиган объектдаги майдонларни ўз вақтида бўшатиб беролмаймиз, бош ва ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотларига лойиҳа сметаси ҳужжатларини, савдо технологияси ва бошқа жиҳозларни ўз вақтида етказиб беролмаймиз...

Қурилишдаги камчиликларнинг ҳаммасига мана шунга ўхшаш камчиликларни ўз вақтида бартараф қилмаслик сабаб бўлмоқда. Шуни айтиш керакки, капитал қурилиш Бош бошқармаси бош инженерининг бу лавозимда ишлаётганига ҳали кўп вақт бўлаётгани йўқ. Лекин у ҳам сўзининг охирида шундай деди: «Агарда биздан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилишини худди турар жой бинолари қурилиши каби талаб қилишганида эди, магазинлар ўз вақтида ишга тушган бўларди».

Афсуски, бу талаб ҳали юксак даражада эмас. Ўн биринчи беш йилликда бунга бўлган талаб янада ортади. Буни ҳаёт тақозо этмоқда. Бу КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида битилган.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
В. ЭНКЕР,
А. ХАТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг махсус мухбирлари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ»ДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

СОФИЯ. Болгария мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, Димитровграддаги химия комбинатини Совет Иттифоқидан олинаётган газда ишлашга ўтказиш тўрт миллион левликдан кўпроқ иқтисодий самара беради. «Зангори ёқилғи»дан фойдаланиш маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш имконини берди.

Болгария СССРдан дастлабки кубметр табиий газни 1974 йилда ола бошлаган эди. Бу газнинг СССР—БХР магистрал газ қувуридан етказиб берилиши республиканинг ёқилғи-энергетика балансини анча яхшилаш, химия саноати учун қимматли хом ашё ишлаб чиқариш имконини ярат-ди. Болгариянинг 37 корхонаси совет табиий газида ишламоқда. Стара—Загоредаги химия комбинати, Темелководаги цемент заводи, Кремиков металлургия комбинати шундай корхоналар жумласидандир.

Ҳозир мамлакатнинг жанубида СССР—БХР газ қувурининг 440 километр узунликдаги янги шахобчаси барпо этилмоқда. Бу йил шу шахобчанинг биринчи навбатини ётқизиш ниҳоясига етказилади.

Китоб болаларни ёшликдан онгини ўстириш, характерини шакллантириш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам социалистик мамлакатларда, шу жумладан Чехословакияда болалар адабиётларини нашр этишга катта эътибор берилмоқда. Энг яхши ва талантли ёзувчилар, шоирлар, рассомлар ўзларининг ижодини ўсиб келаётган ёш авлодга бағишламоқда. Ҳар йили ЧССРда ёш ўқувчилар учун 13 миллион нусхадан ортиқ 300 номдаги китоблар нашр этилади. Булар орасида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар авторларининг ҳам асарлари бордир.

СУРАТЛАРДА: ёш ўқувчилар; ёзувчи Вера Адлова. У болалар ва ўсмирлар ҳақида ёзган китоби учун Мария Мейерова номли мукофотга сазовор бўлган.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ВЬЕТНАМ ЖАНУБИДА ЎЗГАРИШ

ХАНОЙ. Вьетнамнинг жануби озод этилганидан кейин у социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олди. Ўтган беш йил мобайнида шу мамлакат жанубининг иқтисодий ва социал ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳозир ВСР жанубидаги социалистик секторда саноат маҳсулотининг 69 проценти, шу жумладан, национализация қилинган корхоналарда шундай маҳсулотнинг 51 проценти ишлаб чиқарилмоқда. Жанубдаги вилоятларда деҳқон хонадонларининг 24,5 проценти кооперативларга бирлашган. Саводсизлик батамом тугатилган, америкапараст янги мустамлакачилик режими қолдирган бошқа социал иллатлар ҳам муваффақиятли равишда тугатилмоқда.

ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ЎСЯПТИ

ПРАГА. Чехословакиянинг қардош социалистик мамлакатлар билан товар айирбошлаши тугаётган беш йилликда шундан аввалги беш йилликдагига нисбатан тахминан 60 процент кўпайди. Бунга эса республиканинг социалистик иқтисодий интеграция жараёнида кенг қатнашганлиги туфайли кўп жиҳатдан эришилди. Ҳозирги вақтда ЧССР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш тўғрисида 250 та битим тузди. Бу битимларнинг кўпчилиги Чехословакия экономикасининг энг муҳим тармоғи бўлган машинасозликка тааллуқлидир.

Оғир ва транспорт машинасозлиги, электротехника, химия саноати, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш соҳасида ва бошқа тармоқларда Совет—Чехословакия ҳамкорлиги ЧССРнинг халқаро социалистик меҳнат тақсимотида қатнашишини кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕГРАЦИЯГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

ЭРФУРТ. Эрфуртдаги «Умформтехник» комбинати бу йил қардош социалистик мамлакатларга 3 мингдан кўпроқ серунум машина етказиб берди. Бу эса комбинатнинг халқаро социалистик меҳнат тақсимоти доирасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар олдида турган муштарак вазифаларни амалга оширишга қўшган ҳиссасидир. ГБСПнинг бўлажак X съезди шарафига меҳнат вахтасида турган комбинат коллективи ана шу ҳақда рапорт берди.

«Умформтехник» комбинати— темирчилик—пресс ускуналари ишлаб чиқараётган Европадаги энг йирик корхоналардан биридир. У ўзининг илмий-тадқиқот марказига эга. Комбинат ишлаб чиқараётган бутун маҳсулотнинг 80 проценти социалистик мамлакатларга жўнатилмоқда. ГДРда тайёрланган ва комбинат маркаси қўйилган машиналарни Волга автомобиль заводи ва Камаз цехларида, Москвадаги корхоналарда, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг ўнлаб заводларида кўриш мумкин.

Оила даврасида суҳбатлар

ЮРАК юракка яқин бўлса, оила оилага туташади. Улар ҳам қиёматли дўст эдилар. Ўттиз йиллик қадрдонлар— профессор Нормурод, оддий муаллим — Шоаҳмад акалар бир-бирларини чуқур, самимий ҳурматлашар, худди туғишган ака-укадек бир-бирларига меҳрибон эдилар. Шоаҳмад ака профессор дўстидан кўп яхшиликлар кўрган, профессорга ҳам ўз навбатида сон-саноқсиз мурувватлар кўрсатган эди. Бир мағизни икки бўлиб ердилар.

• Аввало инсон бўл

«ЭРКА БУЛБУЛ» НЕГА БАХТСИЗ?

Лекин, ҳар юракнинг уриши бошқа деганларидек, муаллим Шоаҳмад ака камтар, ҳақгўй, тўғри сўз (шу фазилати туфайли уни ҳамма ҳам яхши кўравермасди), бунинг устига ҳақ олдида ўжарроқ, бир сўзли киши эди. Профессор Нормурод эса шароитга тез мослашадиган, ўрни келганда ёлғондан кечмайдиган, шошқалоқ, бировларнинг ҳақига бўлса ҳам тоймай шарафга интилувчи, тезоб феълатворли эди. У бир қадар юксак унвонга эга бўлди. Хотини Азиза доцент унвонини олди. Профессор қўш қаватли, данғиллама уй-жой қурди, енгил машинага эга бўлди. Қўша-қўша гилам, ҳар хонага рангли телевизор, кўзгудек ялтироқ мебеллар, кимхобу-духоба, шойию-атласдан кўрпа—ёстиқлар, қўйинг-чи данғиллама участканинг ҳамма хоналари музейга айланиб кетди. Нормуроднинг димоғидан энди қурт ёғиларди.

Одатда яхши дўстлар, қиёматли биродарлар бир-бирининг феълига сингишиб қусурлари ҳам фазилат бўлиб кўринади. Шоаҳмад ака ҳам профессор дўстининг калондимоғини унинг юксак унвони, обрў-шарафидан деб билиб, буни сиполик, салобатлилик, илмдан етилган камолатлик белгиси сифатида тушунарди. Бир куни профессор Нормурод дўстининг уйида бўлиб, унинг ўғли Меҳмонхонга чуқур назар билан қаради-ю, қизи Гулчеҳрани эслади. «Азамат йигит, ўқимишли, куёв қилсам бўларкан, — деб дилидан ўтказди, — лекин отаси оддий ўқитувчи-да, онаси бўлса фаррош... Буларга қуда бўлсам, казо-казо дўстларим нима деяркин?»

Нормурод ака паст-баландни ўйлаб, охири дўсти Шоаҳмаднинг якка-ягона нуридийдаси Меҳмонхонни куёв қилмоқчи бўлди...

Шоаҳмад ака ҳам профессор дўстининг қизи — Гулчеҳранинг ойдек тўлиб, гулдек очилиб етилганини билар, уни келин қилсам, деб дилидан ўтказар, лекин яна ўйларди: «Тенг— тенги билан... Ахир мен оддий муаллим бўлсам, кимсан профессорнинг қизини ўғлимга сўраб, оғзим куйиб қолмасин тағин... Ўттиз йиллик дўстим билан орамизга совуқчилик тушмасин» дея истиҳола қиларди.

Йўқ, тақдир ўйини қизиқ экан. Меҳмонхон билан Гулчеҳра бир-бирларини кўришди-ю, тақдир ипи боғланди. Айниқса, Гулчеҳрахоннинг кўнглида Меҳмонхон гул бўлиб очилибди. Лекин Меҳмонхоннинг қизга кўпда кўнгли чопмади. Ота-онасига айтди:

— Яхши қиз, лекин эрка, тантиқроқ экан-да...

— Ие, профессорнинг қизи-да, эркиланиб ўсган... Профессорнинг қизини олсанг, яна ноз қиласанми, — дейишди. Аҳди-паймондан олдин ақлли-ҳушли Меҳмонхон қизга шундай деди:

— Гулчеҳр а х о н, сиз профессорнинг қизисиз, нима истасангиз ҳаммаси муҳайё, айтганингиз — айтган, деганингиз — деган. Бизнинг оила оддий, ўртача... Борига қувонамиз, йўғига кўникамиз.. Яна менга турмушга чиқиб, кейинчалик ўкиниб, афсус-надомат қилиб юрманг. Қалбингизга қулоқ солиб, яхшилаб ўйлаб кўринг...

— Ўйлаганман, кўп ўйлаганман, менга одам бўлса бас...

Ўша пайтда Гулчеҳранинг ойиси Азизахон Меҳмонни кўриб: «Куёв бўлса шунчалик бўлади-да, суқсурдек экан» деди.

Меҳмонхоннинг ойиси Ойкумуш опа Гулчеҳрани биларди: «Гулчеҳра уйимизга келин бўлиб эмас, пари бўлиб кириб келади», — деди қувониб.

Шундай қилиб, орзу-ҳавасли тўй ҳам ўтди. Профессор: «Ўғлим йўқ, шу қизимнинг тўйини антиқа қилиб ўтказаман» деб, ҳамма борини сочиб-совуриб ташлади. Унинг соясида салом бериб, обрўсидан сармоя топиб юрган шогирдлари, манфаатдор дўст-биродарлари ерпатак бўлиб хизмат қилишди: қизга қилинган сепни ташиган юк машинаси кўп қатнагандан орқа ғилдираги «пақ» этиб ёрилиб кетди. Уч кеча, уч кундуз тўй бўлиб ўтди...

Ана энди турмушнинг ширин-аччиқ, «икир-чикир»ли ҳақиқий онлари бошланди. Келинпошша ўзи тушиб келган янги хонадондаги хизматини бажо келтириб, қадимдан расм бўлган яхши одатларни ўрнига қўя бошлади. Эрталаб барвақт туриш, ҳовли супуриш, сув сепиш, чой қўйиш, нонушта тайёрлаш каби одатдаги нарсалар кўп ўтмай келинпошшага оғир туюлди. У эрига биринчи шартни айтди:

— Мени ҳеч қачон сен деманг, папам мамочкамни доим сизлаб, Асияхон деб чақирадилар...

— Ойингизнинг отлари Азизахон-ку, нега Асияхон дейдилар.

— Эркалаб... Мени ҳам Гуличка, Гуля дейишади... Ахир одам культурний бўлиши керак-да...

— Исмни бузиб айтиш маданият эмас. Хоҳ ўзбекча, хоҳ русча исмни тўғри айтиш керак...

— Яхши, Меҳмон ака,— деди эркаланиб Гулчеҳра, —юрагимда бир гап бор, айтайми, хўп дейсизми?

— Айтинг, — деди босиқлик билан Меҳмонхон.

— Тўғриси-чи, сизларнинг уй менга ёқмаяпти, кўримсиз, чиройли эмас...

— Нега энди?.. Мен сизни тушунмаяпман...

Ҳа, Меҳмонхон тушунмаётган эди. Лекин Гулчеҳранинг қалбида исён туғилаётган эди. У қайната, қайнана, куёв, уй ичидагиларнинг ҳаммаси келинни — «ёш ниҳол»ни қўлларидан келганча аяганлари, пайпаслаганлари, «профессорнинг эрка қизи» деб ҳеч бир озор бермаганлари билан у ўзи туғилиб ўсган, ўйнаб-кулган, эркинлаб юрган, истаган ниятини амалга оширган уйини ўқтин-ўқтин қўмсарди, соғинарди. Шундай пайтда унга тасалли берадиган, рост йўлдан бошлайдиган, ҳақиқий бахтга йўллайдиган ота-она, қари-картанг, ака-ука керак эди. Қиз уйга келганда на профессор, на доцент онаси, на бувиси; «Борган жойингда тинчиб-тинчиб кет, қайнана, қайнатангнинг айтганини қил, эрингни, уйдагиларни ҳурмат қил, паст-баланд гапларга парво қилма, ҳаммаси ўтиб кетади, турмушда аччиқ-чучук сўзлар бўлиб туради, одам боласи ҳаммасига кўникиши керак», деб насиҳат қилмади.

Гулчеҳрахон ноз-карашма қилиб, оёқ тираб олиб Меҳмонхонни янги битган домга кўчириб олиб кетишга кўндирди. Шоаҳмад ака билан Ойкумуш опа ўғли билан келинни кўчиб борадиган домни бориб кўришиб, розилик ҳам беришди:

— Майли, қаерда бўлсангизлар ҳам тинч-тотув, аҳил яшасарингиз биз хурсандмиз, омон бўлинглар!

Келин билан куёв янги уйда ўзлари яшай бошлашди. Меҳмонхон институтни тугатиб, бир йиллик ҳарбий хизматга кетди. Келинпошша ёлғиз қолгани учун қайната-қайнанаси уни уйига олиб келишди. Лекин унга бу уй сира ёқмас, ҳамма нарса кўзига хунук кўринарди. Нуқул ўз уйига талпинарди. Гулчеҳра бир куни уйига келганида Нормурод ака унинг оловланиб турган қалбига ёғ сепди:

— Қайната-қайнанангнинг ҳамма айтганини қилаверма сени уларга чўриликка берганим йўқ, ўғли учун берганман. Ўғли йўқ пайтда сени эзмасин. Сен, кимсан профессорнинг қизисан. Биз кўрган одаммиз, ҳамма қариндошларимиз кимсан фалончи... Анови қайнананг, уйи олдидаги бир ишхонада уборщица... Бу меҳнатнинг энг паст сорти, мабодо ўша ерга ишлашга сени олиб чиқса, кўнмагин, дарров келиб менга айт, уларнинг танобини тортиб қўяман.

Худди шундай бўлди. Бир куни Шоаҳмад ака келинни чақириб, илтимос қилди:

— Она қизим, биласиз, ойингиз иккинчи группа меҳнат инвалиди, касалманд. Шундай бўлса ҳам, бекорчидан — эл безор деб, мана бу ердаги корхонада уч-тўрт хонани тозалайди, фаррошлик қилади. Уйимизга келганингизда, бўш вақтингиз бўлса ойингизга бир-икки челак сув иситиб олиб чиқиб берсангиз, ҳарна ёрдам бўларди, жон қизим...

Гулчеҳранинг ранги бўзариб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди, лекин ҳеч бир сўз айтмай чиқиб кетди. Шоаҳмад ака ҳангу-манг бўлиб қолди.

Гулчеҳра ўз уйига келдида, ойисига бўлган воқеани айтиб, гуррос солиб йиғлади, тақдиридан, «ёмон, паст оилага» келин бўлганидан ҳасрат-надоматлар қилди. «Шундай улуғ оиланинг бахтсиз қизиман», деб гирён урди. Кечқурун дадаси келиши билан қайнатасининг ҳамма гапини оқизмай-томизмай айтиб берди:

— Мени қул қилишмоқчи, папа, ўша қайнатамнинг дийдори қурсин! Иккинчи уйига қадам босмайман!

— Жуда яхши қиласан! — деди профессор қизини эркалаб, воқеани суриштирмай,— ўша пастларнинг қули бўлгандан уйимнинг булбули бўлиб ўтир, Гуличкам...

Шу-шу Гулчеҳра отасининг уйида «эрка булбул» бўлиб ўтирди.

Қайнанаси — Ойкумуш опа келиб; уни уйига олиб кетмоқчи бўлди:

— Айланай қизим, биздан ўтибди, дадангиз сув иситиб ойингизга ёрдам беринг, деб нотўғри айтибдилар, ҳаммасини ўзим, ойдинда оёғим бажариб қўяман, сиз ўзингизга олманг, шунақа гаплар ҳам бўлиб туради.

— Менга ақл ўргатманг...— деди у терслик билан, — олдингизга қўйган нарсалардан туйғунингизча енг, кейин уйимдан чиқиб кетинг.

— Вой, она қизим, мен овқат учун эмас, сиз учун келувдим...

— Мен сизга керак эмасман... Қайнатамни ҳам кўришга кўзим йўқ!

Ойкумуш опанинг дили сиёҳ бўлиб қайтиб кетди.

Шу орада, бир анжуманда Нормурод ака Шоаҳмад ака билан учрашиб қолиб, унга найзасини санча бошлади. Шоаҳмад ака: «Илтимос, бу ерда ўша кўнгилсиз воқеани гаплашмайлик», деса ҳам, профессор ўзини тутолмай жаврарди:

— Мен қизимга айтиб қўйганман, сенинг кида уборщицалик қилмайди, жаҳлимни биласан, учқўрғонингни кўрсатиб қўяман. Қизимнинг молларини мен олиб бориб бергандим, энди сен ўзинг уйимга келтириб берасан...

— Ҳой, қуда, ахир орадан шунчаликка боргулик ёмон гап ўтгани йўқ-ку, ахир биз ўттиз йиллик қадрдонмиз...

— Керакмас!.. Сен қизимни чўри қилмоқчи бўлибсан... Қизимга ўғлингдан бошқа ҳам эр топилади...

— Ихтиёрингиз, — деди Шоаҳмад ака ўзини босиб, — қизингизни хоҳланг эрга беринг, хоҳланг бошингизга болиш қилинг.

Кўп ўтмай Меҳмонхон армия хизматидан келиб, уйда бўлган кўнгилсиз воқеани эшитди. «Биринчи кўз очиб кўрганим» деди шекилли, Гулчеҳра билан учрашди:

— Ота-онамни, уйдагиларни ҳурмат қилсанг, ҳозироқ уйга олиб кетаман, — деди Меҳмонхон. — ахир ўзинг биласан-ку, мен сенинг дадангни ҳам, ойингни ҳам яхши кўраман, ҳурматлайман, улар ҳам доим мендан хурсанд...

— Сиз мени тушунмайсиз, — деди Гулчеҳра яна таннозлик билан, — биринчидан, илгари айтганимдек мени сиз дейишингиз керак. Иккинчидан, мен сизларнинг уйда самовар қўймайман, ўчоқда овқат пиширмайман, кир ювмайман, уборщица ойингизга сув иситиб бермайман. Иккаламиз домда мустақил яшаймиз, ҳадеб ойингизникига боравермайсиз. Шунда бирга туришимиз мумкин...

Бечора Меҳмонхон ҳайрон. Бир пайтлар у: «Бизнинг оиламиз оддий, қалбингизга қулоқ солинг», деганида, шу қиз монанд: «Менга одам бўлса бас!» демаганмиди?! Бор-йўққа, иссиқ-совуққа, аччиқ-чучукка кўнаман демаганмиди! Эҳ, аттанг, Меҳмонхон янглишган экан-да!

Йўқ, фақат Меҳмонхон эмас, Шоаҳмад ака ўттиз йил бирга бўлиб профессор дўстини, унинг оиласини, бу оиладаги тарбиянинг нобоплигини билмаган экан. Дастлаб ўғилларининг кўнгли шу қизга чопмаганда, уни кўкларга кўтариб мақташгани учун ота-она Меҳмонхон олдида ўзларини гуноҳкордай сезишади. Бу аламлар юракларни ўртайди.

Мана шу ёш оилани қовуштириш, уларнинг ширин турмушларига нур-зиё бағишлаш ўрнига, дам Нормурод аканинг ёнини олиб, дам у йўғида куёвнинг отаси қўйнига кириб тилёғламалик қилаётган, ҳатто профессорнинг орқасидан ёмонлаб юрган баъзи шумғиясифат одамларни эслаганда Шоаҳмад аканинг ҳақгўйлиги тутиб кетиб, уларга лаънат қийди. У ўйлайди: «Профессор деган нақадар улуғвор инсон! Шунақанги улуғ, доно, мўътабар профессорлар борки, уларни буюк аллома деса арзийди. Лекин Нормуродга ўхшаган, босар-тусарини билмаган, онда-сонда учрайдиган кимсаларга профессорлик ҳайф кетади. Ахир, қизи қайнатасидан нолиб борганда бундай деб айтиши мумкин эди-ку: «Ҳай қизим, бирор марта хона тозаламасдан туриб, қайнатангнинг илтимосини бажармай туриб дарров менга уларни чаққани келдингми? Бор, иккинчи марта бундай ўринсиз гапларни ташиб юрмагин, қайната-қайн а н а н г нинг айтганини қил», деса олам гулистон, кўнгиллар бўстон бўларди-ку».

Шоаҳмад ака шундай ўйлар, лекин икки ёшнинг бошини қайтадан қовуштириш учун нима қилишга ҳайрон эди. У инсон тарбияси нақадар мураккаблигига, ҳар бир инсон ўзи бир олам эканлигига энди тушунган эди, тушунган эди-ю, нима қилишга ҳамон ноилож эди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Ҳунарнинг қаноти бор, дейдилар. Ёшларимиз ўз бахт-саодатларини ҳунардан, меҳнатдан топадилар. Улар учун касб-ҳунар масканларида ҳамма шароитлар яратиб берилган. «Компрессор» заводи қошидаги 138-ҳунар-техника билим юртида 700 дан зиёд ёш ҳунар эгалламоқда.

СУРАТДА: слесарь-йиғувчилик касбини ўрганаётган А. Аҳмедов, Ш. Раҳимов, У. Мирзабоев, Ф. Шораҳмедовлар мастер А. Раҳимов билан тайёрланган детални текширишмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ...

Чойхона супасида чорулфат: Одил ва Қобил, Зокир ва Собит чақчақлашиб ўтиришарди. Хўжа кўрсинга бир чойнакда чой, иккинчи чойнакда май. Бир маҳал шулар тенги йигит пайдо бўлди-да, Зокирга тик боқиб:

— Номард! Энди қўлга тушдингми? — деди қўлини пахса қилиб. Улфатлар: «Ўзи нима гап» дегандек бир Зокирга, бир ҳалиги йигитга боқишди. Ҳалиги йигит гапида давом этиб:

— Бундан кейин ичмаймиз, деб онт ичган эдик. Эшитишимча у ҳануз тортиб юрган эмиш. Мана, бугун ичаётганини устидан чиқдим, деди мағлуб дўстига тикилиб.

Улфатлар Зокирни бу қийин аҳволдан қутқариш керак экан, деб дилларидан ўтказишди. Одил ҳалиги йигитга «ўтиринг», деб жой кўрсатди-да:

— Ҳақиқатан, Зокир илгарилари пинҳоний тортиб юрарди. Унақа одатини ташлаганига анча бўлди. Энди битта мағиз топса ҳам барча билан баҳам кўради, барака топсин, — деди.

Қобил «қойил қилолмадинг» дегандек бошини чайқади-да:

— Мен кейин келдим, олдинги чойнакдан ичганини кўрмадим, кўрмаганимни кўрдим, деёлмайман, тўғрими? — деди улфатларга боқиб.

Собирнинг назарида улфатлар Зокирни сёк-қўли билан боғлаб бераётгандек туюлди шекилли:

— Оқлайман деб Зокирни қоралаб қўяяпсанлар. Зокир, қани айтчи, гапни қисқаси худди ичмагандек ўрнингдан туриб кета оласанми?— деди.

Зокир: «пож... пожалуста», — дея ўрнидан қушдек қўзғолди, яланг оёқ шиппак ахтара бошлади, гавдаси қанчалик бориб келмасин, бари бир у шунчалик шиппакдан узоқлашар эди. Шунда ҳалиги йигит:

— Дардни яширсанг иситмаси ошкор қилади, —деди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

МИТТИ ШЕЪРЛАР

ЎЙИНҚАРОҚНИНГ ЖАВОБИ

— Ўйинқароқ,
Ҳой, Ўроқ,
Етиб кел ош
пишгунча,
— Ойи-ей мен
келгунча,
Шошмай турсин
ошингиз,
Пишмай турсин
ошингиз.

ЎЙҚУ

— Шовқин қилма,
бас, етар,
Ўйқум келмоқда
Рамз.
— Ўйқунгиз қочиб
кетар,
Кўзингизни
артсангиз.

ҚОРОНҒУЛИК

— Чироқ ўчиб
ҳозир-ей,
Бир қоронғу
бўлсин-а,
— Ундоқ қилма
ҳазил-ей,
Қоронғулик
курсин-а.
— Қўрқманг чироқ
ўчмайди,
Бувижоним,
билсангиз.
Бўлиб қолар
қоронғу,
Кўзингизни
юмсангиз.

Ҳабиб РАҲМАТ.

• К И Н О

ШАҲРИЗОДА БИЛАН ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

«Фильм тугади» деган ёзувлар пайдо бўлишидан бир неча сония олдин экранда иккита қўриқчи афсонавий Гулобод шаҳрининг дарвозаларини маҳкам бекитадилар. Томошабинлар ёпилаётган эшикларни спектакль тамом бўлганлигидан далолат берувчи рамзий парда сифатида қабул қиладилар.

Фильмнинг бу сўнгги эпизоди «Али бобо ва қирқ қароқчи» картинаси яратувчиларининг ижодий ниятларини бўрттириб кўрсатади. Муаллифлар фильм ёрқин, томошавий бўлишига интилганлар. Актёрлар афсонавий персонажлар қиёфасида намоён бўлар эканлар, уларнинг персонажларга бўлган актёр ва инсон сифатидаги муносабатларни ҳам пайқаб турамиз.

Экранда ёзувларнинг пайдо бўлишидан олдин намоён бўладиган биринчи парча — ғира-ширада юриб бораётган туялар карвони панорамаси картинани қабул қилишда ўзига хос эмоционал калит вазифасини ўтайди. Бу манзара дикторлик тексти билан биргаликда зални бирданига романтик ва бироз кинояли руҳга мослайди. Постановкачилар Латиф Файзиев ва Умеш Меера фильм ибтидосида баён этилган ҳикоя қилиш услубига содиқ қолган эпизодларда ҳам картина жуда катта қизиқиш билан кўрилади.

Фильмдаги воқеалар билан «Минг бир кеча»даги Али бобо ҳақидаги афсона ўртасида ўхшашлик қидириш унча ўринли бўлмаса керак. Чунки сюжетга бошқа қатор Шарқ эртак ва афсоналари мотивлари қўшилган. Сценарий муаллифлари Борис Сааков ва Паркаш Бакшилар томонидан ҳам айрим қаҳрамонлар ўйлаб топилган. Тўғрисини айтганда, сценарий бироз чўзилганга ўхшаб туюлса-да, Шаҳризода ўз ҳаммуаллифларидан рози бўлса арзийди. Эртак ўз хусусиятини йўқотмаган, балки янада қизиқарли, драматик, киноэкран талабларига жавоб берадиган бўлган.

Эртак мавзуси ва ғоясининг ўзгариши томошабин томонидан яхши қабул қилинади. Картина муаллифлари ўз асарларига шарқдаги машҳур «Сув— бу ҳаётдир» деган ҳикматни асос қилиб олишган. Эртакдаги Али бободан фарқли ўлароқ, экрандаги Али бобо тўғоннинг бузилиши натижасида йўқолиб кетган сувни одамларга қайтаришни ўзига асосий мақсад қилиб олган.

Картинада афсонавий декорациялар, хаёлий интерьерлар билан биргаликда реал ҳаётий вазиятларни ифодаловчи кадрларни ҳам кўрамиз. Масалан, юзлаб одамлар иштирок этадиган, ягона мақсад йўлида бирлашадиган тўғон қурилиши бунга мисол бўла олади. Бундай эпизодлар лентанинг умумий руҳини бузмайди. Чунки улар қанчалик реал ва ҳаётий бўлмасин, бутун фильм сингари романтик ва кўтаринки руҳда суратга олинган.

Совет— Ҳинд ҳамкорлиги асосида яратилган бу фильмнинг ютуқлари ҳақида гапирганда, постановкачи операторлар Леонид Травицкий, Питер Перейра ва постановкачи рассом Эдуард Калонтаровлар томонидан амалга оширилган улкан ва мураккаб ишни қайд этмай бўлмайди. Табиат қучоғида (фильм Тошкент, Бухоро, Бомбай ҳамда Тожикистоннинг Варзоб дарасида суратга олинган) ҳамда интерьерда олинган кадрларнинг барчаси ана шу катта меҳнатдан далолат беради.

Айниқса, фильм бошланишида усталик билан олинган панорамалар, ёрқин, томошавий кадрлар томошабинни сеҳрлаб қўяди. Операторлар йирик планлардан эҳтиёткорлик билан, аммо ўринли фойдаланадилар. Мураккаб съёмкалар, жумладан, қароқчилар ғорига кириш эпизодлари техник жиҳатдан мушкул бўлишига қарамасдан, муваффақиятли суратга олинган. «Симсим, эшигингни оч!» деган сўзлардан сўнг ғорга кириладиган эшик очилади. Томошабин учун эса оператор ва рассомларнинг хаёлий парвози ва маҳорати чўққилари томон дарча очилгандек бўлади.

Дўст Ҳиндистонда таниқли ўзбек кинорежиссёри, биринчи совет-ҳинд кинофильми — «Ганг узра тонг»нинг яратувчиларидан бири Латиф Файзиевнинг номи кўпчиликка таниш. Унинг янги фильмида Дхармендра, Ҳема Малини, Зийнат Омон сингари таниқли ҳинд кино актёрларининг иштирок этганлиги ҳам шу билан изоҳланса керак. Томошабинлар эътиборини қозонган совет артистлари Софико Чиаурели, Ролан Биков, Фрунзе Мркчян, Зикир Муҳаммаджонов ва бошқалар билан бирга улар ёрқин, афсонавий, шу билан биргаликда жуда ҳаётий образлар яратишга муваффақ бўлдилар. Бу образлар у ёки бу даражада шарққа хос характер ва юмор туйғусига эга.

Картинада Али бобо образини актёр Дхармендра маҳорат билан ижро этган. Бу образ Дхармендра «янги ҳинд киноси» актёрлик мактабининг вакилларидан бири эканлигини, унинг учун қаҳрамонлар характерини психологик изоҳлаш, ижтимоий мотивлар биринчи планда туришини яна бир бор таъкидлайди.

Ортиқча грим қилмаган Али бобо дастлаб қараганда замонавийлашгандек туюлади. Аммо шу билан бирга, экрандаги Али бобо оддий кишиларнинг қарашларини ифодаловчи, ўз халқи учун фидокорона жасоратларга ҳозир инсон сифатида намоён бўлади. Ш у н и н г учун ҳам у ҳадсиз-ҳисобсиз бойликларга йўл топганида уларни одамларга хизмат қилдиришга интилаётганига киши ишонади.

Ҳема Малини ролдан ролга драматик актриса сифатида ўз маҳоратини такомиллаштириб бормоқда. «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмидаги Маржона роли буни яна бир бор исботлайди.

Ролан Биков картинада бир йўла иккита роль ижро этган —қароқчилар саркардаси ва «олийжаноб» Гулобод ҳокими. Бу бир-бирига қарама-қарши иккита роль ижросида актёрнинг кенг ижодий диапазони тўла намоён бўлди. Бу образларнинг ташқи қиёфавий ўхшашликларидан ташқари яна бир умумлаштирувчи томони бор: актёр қароқчилар саркардаси Абу Ҳасан ҳам, ювош ҳоким ҳам аслини олганда ўз халқининг таловчилари эканлиги ҳақидаги муаллиф фикрини ёрқин акс эттира олган.

«Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью» картинасидан сўнг Софико Чиаурелини унинг янги роли — Али бобонинг онаси қиёфасида кўриш анча қизиқарли туюлади. Ажойиб актриса ўз қаҳрамонини фарзандлари тақдири ҳақида куюнувчи она, меҳрибон ва камтар инсон сифатида жонлантирган.

Фильмда бирорта ҳам ўткинчи актёрлик ишини кўрсатиш қийин. Шу билан бирга постановкачи ўз олдига қўйган мураккаб вазифани — бир томондан ижрочиларнинг ёрқин ижодий қиёфасини сақлаб, қолиш иккинчи томондан бир режиссёрлик концепцияси доирасида турли актёрлик мактабига оид ижрочилар ишини уйғунлаштиришни тўла амалга оширган деб бўлмайди. Баъзан картина манзараларининг тез-тез алмашиши ўртасида узвий алоқа йўқолиб қолгандек туюлади. Фотиманинг қароқчилар томонидан ертўлага ташланган отаси билан суҳбати эпизоди ва шундан кейинги воқеа —Фотиманинг қароқчилар олдидаги рақси бунга мисол бўла олади.

Фотима рақси қанчалик ёрқин суратга олинган бўлмасин, унинг отаси билан жиддий суҳбатдан кейин шундай қилишига ишониб бўлмайди. Ахир актёр ва режиссёр томошабинни Фотима билан отаси учрашувини жиддий кузатишга, улар билан бирга қайғуришга мажбур этганди.

Фильмда картинанинг умумий психологик ва эмоционал оқими бузилган бошқа эпизодлар ҳам бор.

Айрим образларнинг, масалан, Фотима образининг схематиклиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Фотима характери ва ҳаракатлари эволюцияси тўлиқ далилланмаганга ўхшайди. Аммо бундай жузъий нуқсонлар фильмнинг умумий муваффақиятлари фонида унча кўзга ташланмайди. Ёрқин ва томошавий, талант билан яратилган бу картинадан олинган таассурот томошабинлар қалбида узоқ сақланиб қолади.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

СУРАТЛАРДА: «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмидан кадрлар.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. КАМОЛОВ: Яшаётган уйимиз «Главташкентстрой»га қарашли эди. Энди район Совети ижроия комитети ихтиёрига ўтган. Квартирани кўп хоналигига алмаштириш учун кимга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Республика ҳукуматининг қарорига биноан, ҳар бир ишчи ва хизматчига иш жойидан навбат билан квартира берилади ва кўп хоналигига алмаштирилади. Шунинг учун квартира район Совети ижроия комитети ихтиёрига ўтганлигидан қатъи назар, квартира эгаси иш жойига мурожаат қилиши керак.

Л. НУРАЛИЕВА: Саккиз фарзанднинг онасиман. Энг кичиги 9 ёшда. 17 йиллик иш стажига эгаман. Давлат пенсиясига чиқишга ҳаққим борми?

Жавоб: Беш ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган, камида 15 йиллик иш стажига эга бўлган, 50 ёшга тўлган аёллар кексалик пенсиясига чиқишлари мумкин.

М. ИМОМҚУЛОВ: Биринчи бор 1979 йил 16 февралдан врач бўлиб ишлаяпман. Орадан ўн бир ой ўтгач меҳнат отпускасига чиқдим. Навбатдаги отпускамни қачон, қайси муддат учун олишим мумкин?

Жавоб: Биринчи бор ишга келганларга орадан ўн бир ой ўтгач меҳнат отпускаси берилади. Навбатдаги меҳнат отпускасига эса, ходимлар билан муассаса раҳбарлари ўртасида тузилган график асосида ўн бир ой тўлмасдан , олдин ҳам чиқиш мумкин.

А. АШУРОВ: Отам Улуғ Ватан уруши биринчи группа инвалиди, икки кўзлари ожиз. Давлат томонидан бериладиган «Запорожец» автомобилини олишга ҳақлари борми?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг қарорига асосан, Улуғ Ватан урушининг енгил автомобилни бошқара олмайдиган биринчи ва иккинчи группа инвалидлари ўзи билан бирга яшаётган оила аъзолари бошқариши ва хизмат кўрсатиши учун «Запорожец» автомашинаси олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун поликлиникадаги ВТЭК хулосаси билан район, шаҳар социал таъминот бўлимига мурожат қилиш керак.

С. НАЖМИДДИНОВ: Улуғ Ватан уруши инвалидиман. Давлат томонидан бепул берилган «Запорожец» автомобилимнинг эҳтиёт қисмлари етишмаслиги сабабли ундан фойдаланолмаяпман. Эҳтиёт қисм сўраб қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан ҚҚАССР Министрлар Советига, областларнинг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети зиммасига: «Запорожец» автомобилларига профилактик хизмат кўрсатадиган ва капитал ремонт қилиб берадиган пунктлар тузишни, автомобиллар турадиган жой тайинлашни, эҳтиёт қисмлар, автопокришкалар ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотишни ташкил этиш; инвалидларни автомобиль ҳайдашга навбатсиз ўргатишни таъминлаш вазифаси топширилган.

Шунга кўра, шаҳар социал таъминот бўлими справкаси ва ариза билан «Узспорттторг»нинг Тошкентдаги 14-автомашина билан савдо қилувчи магазинига ёки «Запорожье» шаҳридаги посильторгга эҳтиёт қисмлар сўраб мурожаат қилиш мумкин.

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Республика конструкторлари шу беш йилликда яратган янги машина-ускуналар Сари Осиё деҳқонларига анорзорларни совуқдан тез ва пухта муҳофаза қилиш имконини берди. Бу машина-ускуналар ана шу субтропик ўсимликни парвариш қилишдаги энг сермеҳнат жараёнлардан бирини механизациялаштиришга кўмаклашди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг машина-трактор парклари шу беш йилликда бошқа серунум машина-ускуналар билан бойиди. Бундай машина-ускуналар боғбонлар ва соҳибкорлар меҳнатини анча енгиллаштириб, боғлар ва токзорларнинг энг қулай муддатларда қишга тахт қилиш имконини берди. Шу йил кузда Ўзбекистон хўжаликларида кенг кўламда қўлланилган токларни кўмишда ишлатиладиган механизмлар, тупроққа ишлов берадиган универсал машиналар деҳқонлар ихтиёрига берилди.

Ўзбекистон боғбонлари ва соҳибкорлари машина-ускуналардан унумли фойдаланиб, ҳозирнинг ўзида-ёқ майдонларни қишга тахт қилиб қўйдилар ва қишки ишларни жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Ток эгатлари орасига минерал ва маҳаллий ўғитлар солинмоқда, ариқ ва каналлар тозаланмоқда.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг
«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА
КЕНГ ҚУЛАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУЙИДАГИ МЕБЕЛЛАР МАВЖУД:

турар жой ва ошхона наборлари, юмшоқ мебель ва болалар бурчаги наборлари, «стенька» ва ухлаш хонаси наборлари, қўйлаклар, кийимлар, идиш-товоқлар, ва китоблар учун шкафлар: сервантлар, овқатланиш ва ёзув столлари, каравотлар, «тахта», диванлар, креслолар ва банкеткалар.

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИГА
МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Магазин ҳар куни (душанбадан ташқари) **соат 19.00 дан ишлайди.**

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Б-2-квартали, 41-уй (25, 28, 29-трамвайлар, 47, 60, 72-автобусларнинг «Юнусобод колхоз бозори» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
тўқувчи ва йигирувчи касби бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15—18 ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Битириб чиқувчилар тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишни аъло баҳоларда тамомлаганлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳамда халқ хўжалиги институтига ўқишга юбориладилар.

Билим юртида ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли); мактабдан характеристика; турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Бешоғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй («Комсомол кўли»).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

САИД АЛИЕВ

ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 60 ИЛЛИГИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ 45 ИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

ИЖОДИЙ КЕЧА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар конкурсининг дипломанти
Тўхтасин ЖАЛИЛОВ номидаги давлат ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри
Фарруҳ СОДИҚОВ
Дирижёрлар: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сайфи ЖАЛИЛ, Фазлиддин ЮНУСОВ.
СССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Саодат ҚОБУЛОВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ:
Қоммуна ИСМОИЛОВА, Эргаш ИЛДОШЕВ, Айюб ҚОДИРОВ
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
Олмахон ХАНИТОВА, Холисхон ҚОДИРОВА, Мирза ТОИРОВ.
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг профессори Аҳмаджон ОДИЛОВ.
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг созандаси Ҳасан Ражабов.

ҲАР ХИЛ МАЗАЛИ НОНЛАР

Янги узилган бир бурда нондан мазали нарса борми? Бир хиллар сингиб пишган оқ нонни ёқтирсалар, бошқалар эса жавдар буғдой нонни хуш кўрадилар. Болаларга эса майиз қўшилган ванил исли ширин булочкалар ҳамма нарсадан афзал.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Сизларни Тошкент трактор заводи районида очилган
ЯНГИ ИХТИСОЛАШТИРИЛГАН
МАГАЗИНЛАРНИНГ
нон-булка маҳсулотлари бўлимларига
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Магазинларда харидорлар қисқа вақт ичида ўзларига керакли харидни қилишлари учун ҳамма шароит муҳайё этилган: магазинлар савдонинг энг такомиллашган методи — ўз-ўзига хизмат методида ишлайди.

Нон-булка маҳсулотларининг хили жуда кўп. Бу ердан биринчи ва олий нав, жавдар, буғдой унидан пиширилган нонларни, булка маҳсулотларини олишингиз мумкин (2-булка-кондитер комбинатида тайёрланган).

Қандолат маҳсулотлари бўлимида ҳам турли хил карамель, печенье, вафли, конфетлар, шунингдек крем суртилган кондитер маҳсулотларини харид қилиш мумкин.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

10— Тошкент трактор заводининг янги микрорайони, Луначарское шоссесининг Жануб томони, 20-уй (1, 16, 24-автобусларнинг «Н. К. Крупская номли санаторий» бекати);

14 — Тошкент трактор заводи массиви, 22-уй (1, 16, 24-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати).

Магазин соат 07.00 дан 21.00 гача ишлайди.

«ТАШХЛЕБТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

АЭРОФЛОТ

АЭРОФЛОТНИНГ
ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

ИЛ—86 аэробуси— янги комфортабелли ҳаво лайнери ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди.

Яқинда бу ҳаво лайнери Тошкент шаҳрига техник рейс уюштирди, эндиликда пойтахтимиз аҳолиси бу самолётнинг парвозлари афзалликларига биринчилардан бўлиб баҳо беришлари мумкин.

Бу самолёт 26 декабрдан Москва шаҳрига муттасил равишда учиб туради.

668 рейси ҳафтанинг душанба, пайшанба, шанба кунлари учади. Тошкентдан учиш вақти — соат 6.05 минут, Внуково аэропортига қўниш вақти— соат 10.25 минут.

ИЛ-86 Москвада 667 рейси билан чоршанба, жума ва якшанба кунлари учади. Внуково аэропортидан учиш вақти — соат 23.00, Тошкентга қўниш вақти— соат 3.05 минут (Москва вақти билан).

Янги лайнер бортида Сизни комфорт ва меҳмондўстлик кутмоқда.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво линиялари Марказий агентлигининг реклама бюроси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 25/XII да **Абу Али ибн Сино**, 26/XII да **Келинлар қўзғолони**, 27/XII да **Нодира бегим** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕЙДОСКОП» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

25 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» (катта зал, 11, 13.30, 16.10), «ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» (кичик зал, 12, 15, 18.00):— **Санъат саройи** (телефон 44-39-51).

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» (2 серия) — **Нунус** (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ЎЛИМ» СЎЗИНИ УНУТИНГ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

26 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ЕРДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«О, СПОРТ, СЕН ҚУВОНЧИМСАН» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» (катта зал, 11, 13.30, 16.10, 19.00), «ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» (кичик зал, 12, 15, 18.00): — **Санъат саройи** (телефон 44-39-51).

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **Қозоғистон** (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00, телефон 35-24-92).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» (2 серия) — **Нунус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛЯПТИ!

ЯНГИ ЙИЛНИ УЙДА КУТИБ ОЛУВЧИЛАР УЧУН
ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ
26 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА

Парранда, балиқ, сабзавот ярим тайёр маҳсулотлари, ҳамир, шунингдек кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг

Савдо-кўргазмасини ўтказади

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ҚУЙИДАГИ РЕСТОРАНЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

«ТОШКЕНТ» — ресторан олди майдонида.
«РОССИЯ» — ресторанда.
«ОКТЯБРЬ» — Октябрь бозорида.
«ГУЛИСТОН» — ресторанда.
«ЧИЛОНЗОР» — «Чилонзор» савдо маркази ва Фарҳод ярмаркасида.
«ДЎСТЛИК» — «Дўстлик» меҳмонхонасида.
«ЗАРАФШОН» — ресторан олди майдонида.
«ШОДЛИК» — ресторанда.
«ДРУЖБА» кафеси — Октябрь революцияси хиёбонида.

31 ДЕКАБРГАЧА

Кулинария маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар, тортлар, пирожноелар тайёрлаб бериш учун қуйидаги ресторанларнинг кулинария ва ярим тайёр маҳсулотлар магазинларида

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

«БАҲОР» ресторанидан — Куйбишев кўчаси, 8-уй.
«ГУЛИСТОН» ресторанидан — Калинин номли майдонда.
«ЧИЛОНЗОР» ресторанидан — Чилонзор кўчасида.
«ОКТЯБРЬ» ресторанидан — Октябрь бозорида.
«ЗАРАФШОН» ресторанидан — Ленинград кўчасида.
«ДЎСТЛИК» ресторанидан — Энгельс кўчасида.
«КОНДИТЕРСКОЕ» кафесидан — Фарҳод ярмаркасида.

Ярим тайёр ва кулинария маҳсулотлари магазинлари байрам олди кунларида соат 22.00 гача ишлайди.

Янги йилни шоду ҳуррамлик билан кутиб олиш, музика тинглаб рақсга тушиш, уй-рўзғор ишларидан ҳоли бўлиш— «Баҳор», «Гулистон», «Дўстлик», «Зарафшон», «Ленинград», «Россия», «Тошкент», «Чилонзор», «Шодлик» ресторанлари, «Дўстлик» кафеси Сизга шундай имкониятларни яратиб беради.

Байрамолди Янги йил кечалари 1980 йил 31 декабрь соат 22.00 дан 1981 йил 1 январь соат 5.00 гача ўтказиладн.

Ресторанлар ва кафе байрамолди ва байрам кечаларини, тўй ва бошқа тантаналарни ўтказиш ҳамда хизмат кўрсатиш учун якка тартибда ва коллектив ҳолда заявкалар қабул қилади.

Тошкент ресторанлар трести Сизни 1981 йил 1 январда соат 12.00 дан 16.00 гача шаҳримиздаги ҳамма ресторанларда ўтказиладиган оилавий дастурхонга таклиф этади.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

Янги йилга 12 рақамини ҳали соат миллари яна бир неча бор кўрсатади. Лекин Янги йилни кутиб олиш учун тайёргарлик кўриш пайти келди.

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАЕРДА ҚУТАСИЗ?
УЙДА, ОИЛА БИЛАНМИ? ЯНГИ ЙИЛ — АВВАЛО, БУ ОИЛАВИЙ БАЙРАМ.

Эҳтимол, Янги йил оқшомини ресторан ёки кафеда қариндошлар ва дўстлар даврасида кутиб оларсиз? Бу, ҳал қилинган масала эканлиги аниқ.

СИЗ ҚАНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛМАНГ,
ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ
ХИЗМАТИДАН АЛБАТТА, ФОЙДАЛАНАСИЗ.

Янги йилни кутиш— қувончли байрамдир.

Ҳар бир уй бекаси Янги йилга тайёргарлик кўрар экан, кўпгина тараддудлар билан банд бўлади. Биз ана шу тараддудлардан жуда бўлмаганда бир қисмини пазандаларга топширишни тавсия этамиз.

ЯЛТИРОҚ КОВУШДАН ТОРТИБ ТО БЕЖИРИМ ТАСМАСИЗ ТУФЛИГАЧА

Чиройли ва қулай, шинам ва пухта, енгил ва хушбичим пошнали замонавий кўринишда ва модали қилиб тикилган туфли энг яхши ҳисобланади. Бундай совға, айниқса Янги йилда катта ва кичикни ҳам хурсанд қилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«ТАШОБУВЬТОРГ»

СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА СИЗЛАРНИ ШАҲАРДАГИ МАГАЗИНЛАРГА ПОЙАФЗАЛ ХАРИД ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН. Тошкент ва Фарғона пойафзал фабрикаларида тайёрланган хотин-қизларнинг поролон баланд пошнали этикларини; Тошкент, Фарғона пойафзал фабрикаларида ҳамда Львовдаги «Прогресс» фирмасида тайёрланган ичи иссиқ, ўрта ва баланд пошнали хотин-қизлар этиги. Баҳоси — 80—90 сўм; Тошкентдаги 1 ва 2-пойафзал фабрикаларида ишлаб чиқарилган полиуретан тагчармли эркакларнинг иссиқ қўнжли этиклари. Қора ва жигаррангда. Баҳоси — 40—50 сўм;

Ереван пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган баланд пошнали эркаклар полуботинкалари. Қора рангли. Баҳоси — 18—19 сўм; Тошкентдаги 1 ва 2-пойафзал фабрикаларида ишлаб чиқарилган полиуретан тагчармли замокли ва боғичли модали полуботинкалар; Андижон пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган амиркон туфлилар. Баҳоси — 45—50 сўм;

Украина пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган турли ранг, размердаги, модали, боғичли ва боғичсиз кийиладиган болаларнинг қалин тагчармли этиклари. Баҳоси —5—6 сўм; ёшлар учун хромдан оч рангда, қалин пошна қўйиб тикилган этиклар. Баҳоси — 7—8 сўм;

болалар учун қора рангли, қалин тагчармли хром ботинкалар. Баҳоси — 5—6 сўм;

балоғатга етай деб қолган қизлар учун Қўқон ва Иттифоқдош республикаларнинг пойафзал фабрикаларида ишлаб чиқарилган паст пошнали ботинкалари.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1—Киров кўчаси, 23-уй.
2 — Кафанов кўчаси, 106-уй.
3—4-турар жой шаҳарчаси, Лисунов кўча, 2-квартал, 47-уй.
4— Т. Шевченко кўчаси, 13 «а»-уй.
5 — Жарқўрғон кўчаси, 35-уй.
6 — Истиқбол кўчаси, 2-уй (Қўйлиқ массиви).
7 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.
9 — 2-Сельмашский проезди, 5-уй.
13 — У. Юсупов кўчаси, 119-уй.
15, 22 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
17 — Навоий кўчаси, Марказ —4, 11-уй.
19 — М. Горький проспекти, 2/27-уй.
20 — Строительная кўчаси, ДСК—1-уй.
23 — Ш. Руставели кўчаси, 43-уй.

27 — Қорақамиш массиви-1, Ҳасанов кўчаси, 13-уй.
28 — Ш. Руставели кўчаси, 144-уй.
30 — Фарҳод кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
32 — Қатортол кўчаси, 6-квартал.
33 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
34 — Юнусобод турар жой массиви, А. Дониш кўчаси, А—2, 55-уй.

«ТАШОБУВЬТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

25 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.15 Киев Давлат филармониясининг «Гармония» камер ансамбли ижро этади. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Бўш вақт проблемалари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «КПСС XXVI съездига. «Буюк китоб боблари». 4-фильм. «Яратувчилик баҳори». 20.25 «Код номи «Жанубий момақалдироқ»/ Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. Танаффус пайтида (23.05) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Спорт программаси: Гандбол бўйича СССР чемпионати. Хотин қизлар. «Спартак» (Киев) — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон). Ростов-Доннда олиб кўрсатилади. Волейбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Радиотехник» (Рига) — «Звезда» (Ворошиловоград). Ригадан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бизда каникул бўлмайди». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Партия ходими минбари». 19.45 Ҳамза номли Республика Давлат мукофотининг лауреати ёзувчи Мирмуҳсин билан учрашув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. Жалилов номли Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 23.40 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — МВТУ (Москва). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

26 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Севимли шеърлар». 10.35 «Код номи «Жанубий момақалдироқ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.40 П. Чайковский. 2-квартет. Шостакович номли Давлат квартети ижро этади. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Уфқ». Ленинградан олиб кўрсатилади. 16.50 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Сахалин область «Комсомолец» совхозининг илғор иш тажрибаси ҳақида. 17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Маша ва Витянинг янги йил саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм.

18.35 «Жасорат». Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. В. Карпов олиб боради. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Проблемалар, изланишлар, ечимлар». «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида», КПСС Марказий комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси муҳокамаси. Кўрсатувни снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 20.25 «Код номи «Жанубий момақалдироқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Эрмитаж». XX аср Франция живописи. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Кинопанорама».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эртак бошланади». Кўгирчоқ фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат ғунчалари» (такрорий). 12.35 «Биз ишчилармиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 14.40 «Ёзувчи ва замон».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бим, Бам, Бом ва бўри». Болалар учун кўгирчоқ фильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.10 «КПСС Марказий Комитетининг совет иттифоқи коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Эҳтиёт бўлинг, грипп». Врач маслаҳати. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Совринмиз — энг яхши механизаторларга». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Катта меҳнат ғалабангиз билан, тожик дўстлар». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.55 «Қонун қўриқчилари». 22.25 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Олий лига. «Меҳнат» (Тошкент) — СКИФ (Минск). Митрофанов номли Сув спорти саройидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 «Вахтанг Чебукеванининг рақс жозибаси». Телевизион музикали фильм.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси коллективи Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари Қ. С. Қўчқоровга отаси

Собир Қўчқорович ҚЎЧҚОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ вечерний ОҚШОМИ
25 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; санъат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, маориф ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.
Р—17867. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64579. Б—2307.